

Гаров

05:00 / 17.02.2017 5305

Биз «гаров» деб таржима қилган сўз арабчада «рахн» дейилиб, луғатда «тутиш», «давомийлик» ва «субут» маъноларини билдиради.

Шариатда эса, «қарз сабабидан ҳужжат сифатида ишонч учун тутиб қолинган молга гаров», дейилади.

Аллоҳ таоло: «Ва агар сафарда бўлсангизу котиб топа олмасангиз, қўлга тутадиган гаров – раҳина бўлсин», деган (Бақара, 283).

Бу жумла Қуръони каримда қарз ояти деб номланган узун ояти кариманинг бир қисмидир. Мазкур ояти каримани аввал яхшилаб ўрганганмиз.

Оятнинг бошида қарз олди-берди қилинадиган бўлса гувоҳлар олдида бир котибга ёздириб қўйиш кераклиги уқтирилгандир. Бу жумлада эса, мабода мазкур иш сафарда содир бўлсаю, уни ёзгани котиб топилмаса, қўлга бериладиган гаровни олиб туриб, қарз бериш мумкинлиги тушунтирилмоқда.

Демак, берилган молга васиқа — ҳужжат сифатида ишонч учун бирор молни гаровга олиб туриш мумкинлиги Қуръони каримда келган ҳукмдир.

Бир нарсанинг баҳосини кейин беришга келишиб қилинган савдода ҳам гаровга нарса қўйиш суннатда келган. Бу иш зиммасида бировнинг ҳақи бир одам томонидан ҳақ эгасини ишонтириш учун, агар ҳақингни олиб келмасам ушбу нарса сеники бўлади, деган маънода берилган бўлади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида совутлари аҳлларига олинган йигирма соъ таом учун гаровга қўйилган эди».

Термизий ривоят қилган ва саҳиҳ деган.

Шарҳ: Жоҳилият вақтида ҳам гаров қўйиш бор эди. Аммо гаров қўювчи белгиланган вақтда пулни топиб бера олмаса, мол эгаси гаровга қўйилган нарсани ўзиники қилиб олар эди. Исломда эса бу ҳукмга адолатли равишда ўзгартириш киритилди. Агар гаровга нарса қўйган одам белгиланган вақтда пулни топиб бера олмаса, у гаровга қўйган нарсасини сотиб пулни беради ва ортиб қолганини ўзи олади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафот этган вақтларида ҳам урушга киядиган совутлари у кишига насиёга таом сотган тожирнинг олдида гаров сифатида туриши нимага далолат қилади? У Зотнинг жуда ҳам содда ва оддий ҳаёт кечирганлари ҳамда аҳли аёллари нафақаси учун

Ўз меҳнатлари ила молга эришишга уринганларини кўрсатади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан олдин Ислом Арабистон Ярим оролига тарқалиб бўлиб, дунёга танилган давлатга айланган эди. Агар у Зот хоҳласалар, дунё оёқлари остига тўшалар эди. Лекин у Зот буни хоҳламадилар. Оддий ҳаёт кечиришда давом этдилар. Оилаларини боқишга қийналиб, таом олишга пул топа олмай, совутларини гаровга қўйиб йигирма соъ таом олган ҳолларида вафот этдилар. Бу ҳақиқатни у Зотнинг умматлари доимо тушунмоғи керак.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Улов гаровга қўйилган бўлса, минаяди. Сутли ҳайвон гаровга қўйилган бўлса, сути ичилади. Миниб, ичганга нафақаси лозим бўлади», дедилар».

Термизий, Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Шарҳ: Ҳадиси шарифнинг зоҳиридан гаровга қўйилган нарса минаядиган ёки юк ортиладиган ёхуд сути ичиладиган ҳайвон бўлса ундан фойдаланган томон хоҳ гаровга қўювчи бўлсин, хоҳ гаровга олувчи бўлсин, нафақасини беради. Бунга ўзлари келишиб олади.

Аммо фуқаҳоларимиз бу масалани икки хил тушунганлар. Албатта, уларнинг бу тушунчалари ишончли далилга асосланган:

1. Жумҳур нафақани берадиган ҳам, гаровга қўйилган ҳайвондан фойдаланадиган ҳам гаровга қўювчи бўлади, чунки у ҳақиқий молик ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Гаровга қўйган нарса ўз эгасидан ман қилинмайди», деганлар, деъйишади.

2. Имом Аҳмад нафақани берадиган ва гаровга қўйилган ҳайвондан фойдаланадиган гаровга олувчидир, чунки у ҳозир ҳайвонни ўзида олиб турибди, деганлар.